

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2012 йил, 13 апрель • № 14 (879)

## Семинар

### МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Жорий йилнинг 12-13 апрель кунлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вазирликнинг вирусли гепатитлар, риккетсиозлар, вабо, ОИВ ва шифохона ичи инфекцияларининг олдини олиш тўғрисидаги янги буйруқларининг ҳамда санитария қоида ва меъёрларини амалиётга жорий қилишга бағишланган семинар ўтказилди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, ДСЭНМларининг бош ва етакчи мутахассислари, акушер-гинеколог, бош педиатр, хирург, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» СЭНМ, Ўзбекистон «Темир йўллари» ДАК, Марказий СЭС, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизматининг санитария-эпидемиология станцияси ходимлари иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош давлат санитария вази Сайдамурод Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда ижобий натижаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Кун тартибида асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 5 январдаги 5-сонли «Республикада вирусли гепатит касалликларига қарши кураш тўғрисида»ги ва 5 январдаги 6-

сонли «Риккетсиоз касалликлари ва педикулёзга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 25 январдаги 25-сонли «Ўзбекистон Республикасида вабо касаллиги устидан эпидемиологик назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, шунингдек, 28 мартдаги 80-сонли «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш чора-тадбирлари, тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги буйруқлари ижросини таъминлаш ва «Шифохона ичи инфекцияларининг профилактикаси» номли санитария қоида ва меъёрлари бўйича муҳим масалалар кўриб чиқилиб, тажрибали мутахассислар томонидан семинар иштирокчиларига юқоридаги буйруқларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда уларнинг амалдаги ижроси бўйича кенг тушунчалар берилди.

Шунингдек, соҳа мутахассислари томонидан вазирликнинг «Ўзбекистон Республикасида вабо касаллиги устидан эпидемиологик назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги

(Давоми 2-бетда).

## Ҳамкорлик



### ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир қанча хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб, халқимиз саломатлиги йўлида эзгу ниятли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу жумладан, Корея Республикаси билан ҳам ҳамкорликдаги фаолиятлар яхши

йўлга қўйилганлиги боис, ижобий натижаларга эришилмоқда. Жорий йилнинг 8 апрель куни Корея Республикаси Сеул Миллий университетининг 25 нафар малакали шифокорлар делегацияси Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида ҳамкорлик фаолиятларини бошлаб юбордилар.

(Давоми 2-бетда).

## Конференция

### ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

**Жорий йилнинг 6 апрель куни "Пойтахт" бизнес марказида Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан "Мустақам саломатлик умрга умр қўшади" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институти, Франция элчихонаси, БМТ Тараққиёт дастури, шунингдек, БМТнинг Ахборот маркази ҳамкорлигида конференция бўлиб ўтди.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш борасида самарали ишлар олиб борилаётганлигини ва соҳага оид чиқарилаётган ҳар бир қарор ва фармонлар замирида инсон саломатлиги ҳамда унинг манфаатлари устувор эканлигини таъкидлаб, фаолиятдаги

ижобий ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидлаш муҳимки, мазкур конференциянинг асосий мақсади мутасадди ташкилот вакилларининг бемор ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисида хабардорлиги ва маълумотини ошириш ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг инсон ҳуқуқларига асосланган саломатликни таъминлаш концепциясини тақдим этиш, инсон ҳуқуқлари концепцияси тиббиёт олийгоҳлари ва малака ошириш институтлари

дастурларида татбиқ этишни муҳокама қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш ва бемор ҳуқуқларига оид бўлган амалдаги қонунчиликни кўриб чиқиб, беморлар ҳуқуқларини таъминловчи қонунларни ривожлантириш масалаларидан иборат бўлди.

Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Анита Нироди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили С. Рашидова ҳамда Франциянинг Фавкулдда ва муҳтор элчиси Франсуа Готье сўзга чиқиб, ЖССТ 1948 йилда ташкил этилганлиги ва ҳар йили 7 апрелдан буён ушбу сана "Бутунжаҳон саломатлик куни" сифатида нишонланиши ҳамда ҳамкорликда олиб борилаётган иш-

ларга алоҳида урғу бериб ўтдилар.

Тадбир давомида мутахассислар томонидан муҳим мавзулар доирасида маърузалар қилинди. ЖССТнинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари И. Исмаилов Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига 1992 йилнинг 25 майдан расман аъзо бўлиб, 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси ва ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги ва шу йилдан бошлаб, ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси тараққиётнинг умумий "Саломатлик барча учун" деб номланган мақсадида эришиш йўлида фаол иштирок эта бошлаганини айтиб ўтди.

Мазкур сананинг ҳар йили ўзига хос шиор билан ўтказилаётганлиги инсонлар саломатлигини сақлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий ўринга эга бўлаётганлиги ҳамда жорий йилда "Саломатлик умрингизни узайтиради" шиорининг қабул қилиниши ҳам ўз саломатлигини асраган киши узоқ йиллар давомида соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечириши асосий мақсад қилиб олинганлиги ҳам бежиз эмас.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман вакили С. Рашидова соғлиқни сақлаш ривожига инсон ҳуқуқларига асосланган муносабатни замонавийлаштириш бўйича юртимизда

(Давоми 2-бетда).

**Ҳамкорлик**

Шу куни Тошкент тиббиёт академияси юз-жағ жарроҳлиги стоматологияси поликлиникасида Корея Республикаси Сеул Миллий университети шифокорлари томонидан 31 нафар бемор болалар кўриқдан ўтказилиб, улардан 14 нафари жарроҳлик амалиёти учун танлаб олинди ва клиникага ётқизилди. Ортопедик стоматология бўлимида беморларни қабул қилиш учун алоҳида замонавий стоматологик асбоб-анжомлар билан жиҳозланган хоналар ажратилди. 9 апрель куни болалар юз-жағ хирургияси бўли-

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА**

мида 6 нафар бемор болада юз-жағ соҳаси туғма ва орттирилган патология бўйича жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Шунингдек, ортопедик стоматология бўлимида Ҳамза туманида жойлашган 30-сонли "Меҳрибонлик уйи"нинг 75 нафар тарбияланувчиларида даво муолажалари олиб борилди. Ортопедик стоматология бўлимида Юнусобод туманида жойлашган 21-сонли "Меҳрибонлик уйи"нинг 70 нафар тарбияланувчилари кўриқдан ўтказилди.

11-12 апрель кунлари болалар юз-жағ хирургияси бўлимида 16 нафар бемор болада

(Давоми. Боши 1-бетда).

юз-жағ соҳаси туғма ва орттирилган патология бўйича жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.

Ундан ташқари, ортопедик стоматология бўлимида Тошкент шаҳар туманларидан келган кам таъминланган оилалар фарзандларининг 50 нафари кўриқдан ўтказилиб, даво муолажалари олиб борилди.

Албатта, бундай ҳамкорлик тарзида олиб борилган жараёнларда корейлик мутахассислар билан бир қаторда, ўзбекистонлик шифокор ва ҳамширалар ҳам даво муолажалари ҳамда операцияларда фаол иштирок этдилар.

Биз корейлик мутахассислар билан суҳбатда бўлар эканмиз, улар серқуёш юртимизга ташриф буюрганликлари ҳамда ҳамкор-

ликдаги фаолиятлардан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Шунингдек, Президентимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

– Албатта, бундай эзгу ниятли ишлар халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган экан, бу борадаги фаолиятлар янада давом этиб, икки давлат мутахассислари бир-бирлари билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар деб ўйлайман. Ташриф буюрган делегациянинг самарали ишлаши учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бердик, – дейди Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси бош врачси Жасур Ризаев.

**Муносабат****МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

2009 йил 14 декабрдаги 362-сонли буйруғи қайта кўриб чиқилиши ҳақида, «Ўзбекистон Республикасида вабо касаллиги устидан эпидемиологик назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 25 январдаги 25-сонли буйруғи бўйича «Вабо касаллигининг этиологияси, клиникаси, замонавий даволаш усуллари», «Риккетсиозларнинг этиологи-

ассасаларида санитария-гигиена, эпидемияга қарши чоратadbirlar ва дезинфекция режими раига риоя этилиши тўғрисида», 2007 йил 29 декабрдаги 600-сонли буйруғини кўриб чиқиш сабаблари ва «Шифохона ичи инфекцияларнинг профилактикаси» номли санитария қоида ва меъёрлари ҳамда бир қанча долзарб мавзуларда маърузалар қилинди.



яси, клиникаси ва даволаш», «Риккетсиозларнинг лабораторияси ва диагностикаси», «Вирусли гепатитларнинг клиникаси, патогенези, диагностикаси ва даволаш усуллари», «Даволаш-профилактика му-

Кенг аудиторияда ўтказилган мазкур семинар соҳа мутахассисларининг вазирликнинг буйруқлари, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри юритиш ва уларнинг амалий ижросини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ҳурматли муштарийлар!**

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз ([www.uzssgt.uz](http://www.uzssgt.uz)) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, [info@uzssgt.uz](mailto:info@uzssgt.uz), [uzss@yandex.ru](mailto:uzss@yandex.ru) манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

**ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ АМАЛДА**

**Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ, соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланиб, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан камил инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча имконият эшиклари очилган. Ёшларимиз қайси соҳада ўқиб, ишлагани ва қайси касб эгаси бўлмасин, ўз тақдирини ўзи яшаётган юрт ҳамда миллат тақдирини айри тасаввур эта олмайди. Том маънодаги баркамол авлод – мустақиллик фарзандлари бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда. Ўтмишни қадрлаб, келажакка юз тутган юрт ворисларининг қалби ва мақсади ҳамيشа юксак, руҳи уйғоқ, фикри теран бўлиши шубҳасиз.

Мустақилликка эришганимиздан буён юртимизда таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси инсон, унинг саломатлиги, фаровонлиги ва жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, аҳоли тиббий маданиятини оширишга қаратилган бўлиб, ҳар бир соҳага оид чиқарилаётган Қарор, Қонун ва Фар-

монлар юртимизнинг келажак бўлган баркамол авлодни жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал салоҳиятли, ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлар тарбиясига йўналтирилган.

Шундай экан, таъкидлаш муҳими, 2011 йил 5 октябрдаги 302-сонли «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак билим салоҳиятига эга инсонлар этиб тарбиялашнинг асосий омилли деб айтишимиз мумкин. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 23 ноябрдаги 317-сонли буйруғи ишлаб чиқилди ва йил давомида тизимда олиб бориладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда уни ижро этиш учун барча ҳудудларга юборилди.

Республикамизнинг барча врач ва ўрта тиббиёт ходимлари ушбу

қонун ижроси бўйича жойларда, яъни оила ва маҳалларда, шунингдек, мактаб, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши, истеъмол қилиниши натижасида келиб чиқадиган турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари орқали эса соҳа мутахассислари томонидан қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида радиосуҳбатлар, рўзномаларда мақолалар, телекўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла маслаҳатчилари, ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда талабалар учун мўлжалланган мавзуга оид буклет ва плакатлар чоп этилиб, тарқатилмоқда. Жорий йилнинг 6 апрелидан кучга кирган Қонуннинг асосий жиҳати шундаки, келажак авлодларимизнинг соғлом ва баркамол ўсишларида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Насибохон АКРАМОВА,**  
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти олий тоифали врач.

**ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИ**

истиклолимизнинг ўтган даври мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 75 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача узайганлиги тиббиёт соҳасида эришаётган ютуқларимизнинг маҳсули эканлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан Ўзбеки-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида ўтказилган халқаро симпозиумнинг аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталди. Бунинг баробарида 2005 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг самарали натижалари тўғрисида гапириб ўтди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги ПҚ-1096-сон ва ПҚ-1144-сон қарорлари ижроси бўйича 2009 йил июнь ойидан ҳозирги вақтгача "Фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлашти-

риш" ҳафталиклари доирасида тиббий олий ўқув юртлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли тиббиёт муассасалари малакали мутахассислари томонидан республиканинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ врачлик пунктларида туғиш ёшдаги

аёллар, ўсмир қизлар ҳамда болалар йилига икки марта тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари олиб борилаётганлигига урғу бериб ўтди.

Кенг аудиторияда ўтказилган мазкур конференция давомида муҳим масалалар ҳамда керакли тавсиялар ўртага ташланиб, асосий вазифалар белгилаб олинди.

Спорт

# МАҲОРАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

**7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик куни, Мустаҳкам оила йили ҳамда Наврӯз байрамига бағишлаб, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида Фафур Фулом номидаги истироҳат боғида "Соғлом оила – жамият таянчи" мавзусида деворий газеталар кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.**

Кўрик-танловнинг асосий йўналиши оилани янада мустаҳкамлаш, оила манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдан иборат бўлди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли бўлган туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги тиббиёт муассасалари мавзуга оид рўзнома ва баннерлари билан қатнашдилар. Шунингдек, танлов давомида тиббиёт ходимлари бадий чизишларда саҳна кўринишлари, шеърӣ ҳамда жозибали рақс ва кўшиқлари билан барчани хушнуд этдилар.

Тадбирда ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаларининг жамоалари фаол иштирок этдилар. **Баннерлар кўрик-танловида** 1-ўрин Чилонзор

тумани 37-оилавий поликлиникасига, 2-ўрин Яккасарой тумани руҳий асаб касалликлари диспансерига, 3-ўрин эса Бектемир тумани кўп тармоқли Марказий поликлиникасига насиб этди.



**Бадий чизишда** эса Юнусобод тумани шаҳар болалар клиник шифохонаси 1-ўринга, 2-ўринга Ҳамза тумани Марказий кўп тармоқли поликлиникаси, 3-ўринга Мирзо Улуғбек тумани Республика ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи лойиқ деб топилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши, Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан сов-



галар берилиб, рағбатлантирилди.

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши** томонидан 5 апрель куни "Истиқлол" спорт мажмуасида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган эркаклар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Муросасиз кечган ўзаро беллашув қизиқарли тарзда ўтиб, тиббиёт ходим-

ларининг мазкур йўналиш бўйича иштиёқлари баланд эканлиги ўйин жараёнида яққол намоён бўлди. Белги-ланган вақт орасида ғолибликни қўлдан бермаслик учун астойдил ҳаракат қилган жамоалар муносиб ўринларни эгалладилар. Жумладан, 7-шаҳар клиник шифохонаси 1-ўринга, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти 2-ўринга, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли автобаза 3-ўринга лойиқ деб топилди.

## ЭПЧИЛЛИК ВА ЧАҚҚОНЛИК ЗАРУР

**Кейинги йилларда Юртбошимиз томонидан аёллар спортига бўлган эътибор кучайтирилиб, бу борада турли соҳаларда фаолият юритаётган аёллар кенг жалб этилмоқда.**


Шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ҳам спортнинг турли йўналишларидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, ўз соғлиқларини тиклаб келмоқдалар. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан эркак ва аёллар ўртасида спорт мусобақалари ташкил қилинмоқда. 2012 йилнинг 6 апрель куни Мустаҳкам оила йили ҳамда Наврӯз байрами муносабати билан тиббиёт муассасаларида хизмат қилаётган ходимлар,

ёшлар ва айниқса аёллар соғлиқини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, оммавий тарзда спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш, Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва

спорт жамияти Марказий кенгаши билан ҳамкорликда республика миқёсидаги тиббиёт муассасалари ходимлари иштирокида "Спорт саломатлик гарови" шиори остида "Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши соврини учун" аёллар ўртасида сузиш бўйича турнир ўтказилди.

Турнирда 25 ёш ва ундан катта ёшдаги соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирок этди. Мусобақалар шахсий биринчилик тарзида, 25 метр масофага амалдаги қоидаларга асосан ўтказилди.

Мусобақаларда Тошкент шаҳри ва вилоятидаги республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларидан 50 нафар аёл иштирок этди.



Мусобақаларда 1-ўрин Марказий клиник шифохона ходими Ольга Лавровага, 2-ўрин Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси ходими Елена Суторинага, 3-ўрин эса Тошкент врачлар ма-

лакасини ошириш институти ходими Мунира Рўзибаевага насиб этди. Ғолиблар ва номинатсия совриндорлари тегишли даражадаги диплом ва совгалар билан тақдирландилар.

### Семинар-кенгаш



## ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИМ

**Барчамизга маълумки, 2005-2011 йиллар давомида «Саломатлик-1, 2» лойиҳалари томонидан республикамиз ҳудудларида қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, бунинг баро-**

**барида умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамширалар ўқув курсларида таҳсил олдилар. Натижада, бирламчи бўғиндаги фаолиятлар самарадорлиги яхшиланиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада ошди.**

2012 йил 11-12 апрель кунлари «Саломатлик» лойиҳасини амалга ошириш марказий бюросининг навбатдаги «Саломатлик-3» лойиҳасига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш ҳудудий бюрolari (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлари) директорлари иштирок этдилар.

Таъкидлаш муҳими, мазкур лойиҳанинг асосий мақсади,

туман тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга, шунингдек, терапия, педиатрия, юқумли касалликлар, кўп тармоқли марказий поликлиникаларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган.

Албатта, юқоридаги фаолиятларни амалга ошириш жараёнида Жаҳон банкининг тавсияси

асосида бўлимларни таъмирлаш, қайта таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш, бундан ташқари, врач ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш асосий вазифалар қилиб белгиланган.

Мазкур семинар-кенгашда лойиҳа раҳбарлари фаолиятлари учун зарур тавсия ва кўникмаларга эга бўлдилар.

**1-2-3-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## Семинар

МАҚСАДИМИЗ АҲОЛИГА  
СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

2012 йилнинг 11 апрель куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Хусусий тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор вазифалардан бири» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, мутасадди раҳбарлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Алимов кириш сўзи билан очиб, ҳукуратимиз томонидан аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий тиббий муассасаларга қаратилаётган эътибор ва амалдаги самарали ишлар хусусида тўхталиб, 2012 йил 29 мартдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 92-сонли қарори қабул қилинганлиги ва унинг мазмун-моҳияти соғлиқ-

ни сақлаш тизими учун низоҳатда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Ф. Раҳимкулов ўз маърузасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусий тиббиёт муассасалари томонидан лицензия талаб ва шартларига риоя қилишлари устидан олиб борилган назорат ишлари нати-

жалари ҳамда фаолиятда ҳанузгача ютуқлар билан биргаликда, йўл қўйилаётган камчиликлар борлигига эътироз билдирди. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, юқоридаги қарорда мазкур йўналишдаги муаммолар ечимини белгилаб берадиган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом ҳамда хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари рўйхати янгидан тасдиқланди. Ушбу Низомга кўра, тиббиёт каби мураккаб бўлган фаолиятни лицензиялаш ва у билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни қайта расмийлаштириш такомиллаштирилди. Хусусий тиббиёт муассасалари жойлашадиган бинолар, уларда амалга оширилаётган стерилизация жараёнлари, лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши борасида белгиланган жавобгарликларга нисбатан талаб кучайтирилди. Шу билан бирга, тиббий



фаолиятга лицензия олишда талаб этиладиган ҳужжатлар сони камайтирилди.

Мамлакатимизда яратилган бундай қулай шароит ва имтиёзлар натижасида кейинги йилларда хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. 2008 йилда нодавлат тиббиёт муассасаларида компьютер ва магнит резонансли томографлар республика бўйича 8 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 60 тадан ошди. Ультратовуш диагностикаси ускуналари 2008 йилда 125 та бўлса, 2012

йилнинг ҳозирги ҳолати бўйича 280 тага етди.

Шуни айтишимиз лозимки, мамлакатимизда бу борада кучга киритилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб, фуқароларимиз соғлиқни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Матбуот анжумани сўнгида соҳа мутахассислари оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан берилган барча саволларга жавоб олдилар.



Жорий йилнинг 10 апрель куни Миллий матбуот марказида «Аҳолини, айниқса ёшларни қандли диабет касаллигидан ҳимоя қилиш борасида белгиланган чоратадбирлар, муаммо ва ечимлар» мавзусида соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари, Республика бош санитария вақтинча бажарувчиси С. Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, қандли диабет касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, тиббий профилактикаси ҳамда мамлакатимизда мазкур хасталикка қарши олиб борила-

ни олиб, қандли диабет касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, тиббий профилактикаси ҳамда мамлакатимизда мазкур хасталикка қарши олиб борила-

ДАВР ТАЛАБИ:  
ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ

ётган чора-тадбирлар тўғрисида гапириб ўтди. Шундан сўнг Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С. Исмоилов сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан беморлар учун яратилаётган шароит ва имтиёзлар хусусида тўхталиб, бугунги кунда қандли диабет касаллиги билан оғриган беморларга даволаш-диагностика ёрдамлари кўрсатиш мақсадида республика миқёсида 14 та эндокринологик диспансерлар фаолият олиб бораётганлиги ҳамда вилоят эндокрин диспансерлари қошида диабет ретинопатияси ва диабет тўпиги хоналари очилганлиги, бундан ташқари, қандли диабет касаллигини ўз ичига ол-

ган «Эндокрин касалликларни ташхислаш ва даволашнинг миллий стандартлари» қўлланмаси татбиқ этилганлигини таъкидлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Давлат Ассоциацияси Халқаро Диабет Федерацияси билан ҳамкорликда фаолият ўрнатилган бўлиб, «Insulin for life», 2005 йилдан эса «life for child» беғараз ёрдам дастурлари иш олиб бориб, бунинг натижасида республикадаги болалар ва ўсмирларни инсулин ва шприцлар билан таъминламоқда.

Тадбир давомида тажрибали мутахассислар томонидан ўзаро фикрлар билдирилиб, мазкур йўналишда олиб борилаётган амалдаги фаолиятларни янада

мустаҳкамлаш мақсадида, аввало, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиҳот ишларини кучайтириш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Ҳар бир соҳада ижобий ишлар қаторида муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги фаолиятлар самардорлигига жиддий таъсир этибгина қолмай, балки аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатига ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Шундай экан, бу борада, айниқса, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориш муҳим масала эканлиги мутахассислар томонидан таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари ушбу мавзу бўйича чуқур маълумотга эга бўлдилар.

## БАРКАМОЛ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ УЧУН



Жорий йилда «Shodiiik Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Баркамол авлодни тарбиялашда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинардан кўзланган мақсад, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, спортнинг жамият ҳаётида, хусусан, ёшларнинг ақлий ва жисмоний камол топишидаги роли ҳамда аҳамиятини кенг ёритиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ходимлари масъулиятини кучайтиришга қаратилди.

Тадбирда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев сўзга чиқиб, бугунги кунда ёш авлодни юксак салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамиятини ошириш, мамлакатимиз спортининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юк-

салтиришда болалар спортини ривожлантириш ва уни ОАВларда мазмунли ёритиш ҳамда соғлом авлодни тарбиялашда нафақат давлат, балки нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳиссасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Айтиш муҳимки, жорий йилнинг 10 февралда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз: «... спорт бугун таълим-тарбия тизимининг узвий қисми, уни таълим билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш – биз танлаган йўлнинг ажралмас

қисми эканлигини» таъкидладилар.

Семинарда, ислохотлар натижаларини профессионал даражада ёритишда бугунги кун журналистнинг салоҳияти ва масъулиятини кучайтириш борасида фикрлар, бу борада қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар юзасидан фикрлар билдирилди.

Тадбир давомида мутасадди раҳбарлар томонидан кун мавзусидаги асосий масала бўйича маърузалар қилинди. Шунингдек, журналистларнинг саволларига мутахассислар тўлақонли жавоб берилди.

Саҳифа материалларини Хусан БАРОТОВ ва Диёра БОЗОРОВА тайёрлади.  
Суратлар муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Кўрик-танлов

# НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ УЙҒУНЛИГИ

**Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда республика тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳамширалар меҳнати давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётганлиги, бу албатта, уларнинг касбига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Шундай экан, бири-биридан қаққон, меҳрибон ҳамшираларимиз халқимиз саломатлиги йўлида меҳнат қилиш билан бир қаторда, спорт, анъанага айланган «Ҳамшира» кўрик-танловларида иштирок этиши ушбу касб эгаларининг маҳорати билан бирга, истеъдод бобидаги фазилатларини очишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда**

Шундай экан, 10 апрель куни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли Олмазор ва Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги оилавий поликлиникаларда ишлаётган патронаж ҳамширалар ўртасида «Саломатлигинг тоза қўлларингизда» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сонли Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-700-сонли ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1144-сонли Қарорларининг ижросини таъминлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўрта тиббиёт ходимлари ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни такомиллаштиришдан иборат бўлди. Танловда иштирокчилар асосан тоза қўллар, гриппнинг ол-

дини олиш ва оғиз бўшлиғи гигиенаси мавзулари бўйича ўзаро беллашдилар. Тадбир давомида ҳамширалар шахсий гигиена қоидалари бўйича тиббий билимлари ишлаб чиқилган тест саволлари, вазиятли масалалар ҳамда амалий кўникмалар бўйича ҳам назарий, ҳам амалий билимларини намойиш этдилар. Шунингдек, ташкилий кўмита томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари, тиббий кийиниш маданияти, уларнинг фаолияти бўйича берилган маълумотлар ҳам инобатга олинди. Ўз касбининг моҳир усталари бўлган ҳамшира қизлар ҳар бир шарт бўйича ўз билимларини кўрсатиш билан бирга, сахна кўринишларида ҳам истеъдодларини намойиш этиб, меҳмонлар диққатини жалб қилишди. Шу ўринда айтишимиз муҳимки, «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида ўқув курсларида иштирок этган ҳамширалар шахслараро мулоқот бўйича ўз фикрларини баён этиб, уй вазифаси шарти бўйича ҳам чиқиш қилдилар.

Ўзаро синалган билим ва тажрибаларини намойиш этган ҳамширалар чиқишлари ҳакамлар хайъати томонидан кузатиб борилди. Натижаларга кўра, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги оилавий поликлиникалар ҳамширалари 1-ўринни ва Мирзо Улуғбек туманидаги оилавий поликлиникалар ҳамширалари 2-ўринни қўлга киритишди.

Ғолиб ва иштирокчиларга Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



– Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, авваламбор, ҳамширалар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг тиббиёт соҳасидаги билимларини янада бойитиш, қолаверса, дунё янгиларидан бохабар бўлиш ҳамда ўз устида мукамал ишлашдан иборатдир.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида анъанага айланган кўрик-танловларнинг бугунги кундаги моҳияти янада ошиб, соҳа мутахассисларининг ўз касбига бўлган меҳри, шунингдек, изланиш, янгиллик сари интилишга ундамоқда. Тиббиёт шундай фанки, унда кундалик билимни тўлдириб бориш, қолаверса, илмий салоҳият йўлида тинмай ҳаракат қилинсагина, тизим раўнақи янада риожланиб, келгусидаги бўлажақ тиббиётчилар учун катта мактаб яратилиши шубҳасиздир.**

**Ибодат СОАТОВА.**  
Муаллиф олган суратлар.

Видеоконференция

## ДАСТУР ИЖРОСИДА ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЎРНИ

**Жорий йилнинг 30 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти" мавзусида республика видеоконференцияси ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, фуқаролик жа-

мятининг турли институтлари, журналистлар ҳамда ахборот соҳаси мутахассислари қатнашди. Тадбир видеоконференция шаклида ташкил этилди ва унда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситалари эътибор қаратиши зарур бўлган долзарб вазифа ва йўналишлар ҳақида сўз юритилди. Жумладан, оила институти ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, ушбу соҳага оид қонунларга бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни



ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўламда қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш устувор вазифалардан эканлиги иштирокчилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда ахборот узатишни техник жиҳатдан таъминлаш ва ташкил этиш, электрон ҳамда босма ОАВ, интернет нашрларида Дастур ижроси бўйича тадбирларни ёри-

тиш технологияларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди.

Шунингдек, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тадбирлари бажарилишининг самарадорлигини оширишга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қўшган ҳиссасини ОАВда чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда тарғиб этиб бориш лозимлиги айтиб ўтилди.

**Диёра БОЗОРОВА.**

## Долзарб мавзу

## ЁШ ЭКОЛОГЛАР БОҒИ ЯРАТИЛДИ

Ҳаммамизга маълумки, давлатимизнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлари ва унинг нақадар улугъ неъмат эканлигини англаб етишга ҳамда ҳар бир инсон мавжуд вазиятнинг барқарорлиги учун нима қилиши мумкинлиги муҳим эканлигини дилдан ҳис этишимиз зарур. Шу ўринда айтишимиз керакки, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги амалдаги ишлар янада ривожланганлигини кўрсатиб келмоқда.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш, унинг мусоффолигини асраш борасида сўз борар экан, аввало бизни ўраб турган гўзал табиатга ҳурмат билан қарашимиз лозим. Орол муаммоси бўйича куйидаги мисолларга эътибор қаратишни лозим деб билдик: «Афсуски, бугун биз жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб бораётганига гувоҳимиз. Денгиз сувларининг тез буғланиши натижасида Орол борган сари кичрайиб, экологик вазият ёмонлашиб, инқироз суръати кучайиб бормоқда. Дунёдаги 4-берк тизимдаги сув ҳавзасининг ҳажми бугун 13 баробарга, яъни 1064 км<sup>3</sup> дан 115 км<sup>3</sup> га, ҳудуди эса 7 баробарга кичрайди, унинг қуриб қолган сатҳи 4,2 миллион гектарни ташкил этади».

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида «Бутунжаҳон сув ресурслари куни»га бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Тошкент Давлат юридик институти проректори, профессор Муҳаммади Усмонов табиатни муҳофаза қилиш энг муҳим, долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан саналишига доимий эътибор қарат-



ган Юртбошимизнинг саяё-ҳаракатлари туфайли диёримизда экология, атроф-муҳит ва атмосфера мусоффолигини таъминлаш давлат сиёсати даражасида эканлиги, ушбу масалаларга жиддий эътибор берилётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида табиат муҳофазасига доир кўплаб қонунлар ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, Ўзбекистон Экологик ҳаракати квотаси билан сайланган 15 нафар депутат фаоллигида бугун бир қатор қонун ва қарорлар устида ишчи гуруҳлар тинмай иш олиб боришга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, ва-

зирликлар, сув ҳавзалари соҳаси назорат органлари ва илмий-текшириш институтлари мутахассислари, олий ўқув юртлиари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда мазкур соҳа мутахассислари ўз фикрларини билдирдилар.

Шунингдек, "ЭКОСАН" хал-



бошлиги Бахтиёр Ҳайдаровлар мавзу доирасида маърузалар қилдилар. Улар олимлар ва мутахассисларнинг инсоният табиат муҳофазасига доир муаммоларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга доир зарур чора-тадбирларни амалга оширмас янада хавфлироқ оқибатлар вужудга келиши мумкинлиги, зеро экологик мувозанатга дунё океани сатҳининг кўтарилганлиги, музликлар эриши, дарёлар оқимининг ўзгариши ҳамда иқлимнинг барқарор эмаслиги билан боғлиқ ва бошқа глобал ўзгаришлар ҳам сабаб бўлаётганини ёрқин мисоллар орқали изоҳлаб беришган ҳолда, эндиликда барчанинг вазифаси, шулар жумласидан, темир йўл тизимидаги ҳамюртларимизнинг бугунги кун шароитига мослашиш зарурлигини таъкидлашди.

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди эълон қилган "Анъаналарни тикла - дарахт эк!" акциясига жавобан, биз - Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ва Темир йўл касб-хунар коллежи ўқувчилари масканимиз ҳудуди ва атрофини

ободонлаштириш ишларини бошлаб, қўшимча 1000 туп дарахт экиб, ҳудудимиздаги мавжуд боғни "Ёш экологлар боғи"га айлантиришга аҳд қилдик. Мақсадимиз - ушбу экилган ниҳолларни асраб-авайлаб, меҳр билан парваришлаб, келажак авлодимиз учун боғ қолдириш.

Учрашув институти коллеж ва боғларида, пойтахтнинг Миробод туманидаги 6 та олий ўқув юртлиари иштирокида барпо этилаётган бир гектар майдондаги "Ёшлар боғи"га дарахт экиш тадбири билан якунланди.

Бугунги кунда экология ва экологик ҳолат инсониятнинг глобал муаммосига айланиб қолаётгани ва бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилаётгани йиғилиш қатнашчилари томонидан эътироф этилди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**  
**"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи.**

## Хулоса ва таҳлил

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциациясининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республикамизнинг жамоатчи ва айрим хорижий ташкилотлари, хусусий сектор вакиллари, вилоятларнинг бўлим бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциациясининг Кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциацияси раиси, профессор А. Худойбергенов кириш сўзи билан очиб, ассоциациянинг ўтган давр мобайнидаги фаолиятлари бўйича маъруза қилди.

Ассоциация 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, нодавлат нотижорат жамоа ташкилоти ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари куйидагилардан, яъни "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бажарилиши ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда фаол иштирок этиш, хусусий тизимни ривожлантириш, фахрий врачларни ижтимоий ҳимоялашда қатнашиш, уларнинг касбий натижасидан унумли фойдаланиш, ассоциация аъзоларининг

ҳуқуқини ҳимоя қилиш, врачларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўйича билим савиясини ошириш, хорижий мамлакатлар врачлар ассоциациялари билан халқаро алоқаларни мустақамлаш, уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, хорижий мутахассислар иштирокида конференциялар, симпозиумлар ташкил этиш ҳамда ютуқларни амалиётга татбиқ қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси 14 та ҳудудий бўлимлардан иборат бўлиб (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент

шаҳри ва барча вилоятларда), унда 8 та қўмита ва 11 та жамоа шаклида аъзо бўлган тиббиётнинг тор йўналишлари бўйича бўлимлари, шунингдек, ўзининг мустақил бюллетенига эга ҳамда куйидаги йўналишлар: иқтисодиёт, ҳуқуқ, менежмент ва маркетинг, илмий тадқиқотларнинг амалиётга татбиқи, фирмалар янгиликлари, илмий ахборотлар, тиббий таълим, семинар, конгресс ҳамда симпозиумлардан хабарлар, соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий сектори фаолияти бўйича мақолалар йилнинг ҳар чорагида нашр этилади.

Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси 1998 йилдан буён Европа Тиббиёт Ассоциациялар Форуми ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан халқаро алоқаларни давом эттирмоқда ва ҳар йили ўтказиладиган йиллик Форумларда қатнашиб келади. Ҳамкорлик натижасида 2011 йилда ассоциация Жаҳон соғлиқни сақлаш Ассоциациясига аъзо бўлди. Таъ-

кидлаш муҳимки, 2011 йилда ассоциация томонидан 6 та тиббиёт олий ўқув юртлиари талабалари "Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси стипендияси"ни олишга сазовор бўлди, шунингдек, ҳар йили "Хотира ва қадрлаш куни"да фахрий врачларга катта эътибор кўрсатилиб, моддий ёрдам берилди. Шу билан бирга, яна бир қанча ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ассоциация олдида асосий вазифаларни бажаришда Ассоциация Президуми, унинг аниқ фаолият йўналишларига эга бўлган 8 та қўмитаси доимий равишда иш юритиб келади.

Уюшма ва тафтиш комиссияси раислари ҳисоботидан сўнг мунозарали чиқишлар бўлиб, деярли барча вилоят бўлимлари, Врачлар Ассоциация Президуми, қўмиталарнинг раислари қисқа ҳисобот бериб ўз тақлифларини киритдилар. Самарқанд шаҳрида Мустақкам оила йилига бағишлаб "Энг

яхши шифокор оила" конкурси ўтказилмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Врачлар Уюшмасининг Самарқанд бўлими республикада биринчилардан бўлиб, муаллиф Неъматжон Хўжаев таҳрири остида "Самарқандлик ҳақимлар" номли китобни нашрдан чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциациясининг ўтган давр мобайнида олиб борган ишларига назар ташлайдиган бўлсак, албатта, инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлида қилинган эзгу ниятли ишларга гувоҳ бўламиз. Бундан кўзланган асосий мақсад, халқимиз саломатлиги ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Йиғилиш сўнгида ҳисобот бўйича кенгашнинг қарори қабул қилиниб, асосий вазифалар белгилаб олинди.

**Эркин ТУРСУНОВ,**  
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

## Уроки здоровья

## БЕРЕГИТЕСЬ ЭЛЕКТРОМАГНИТНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ

**Не бывало ли у вас достаточно длительных периодов апатии и какой-то почти хронической усталости, нервозности, бессонницы депрессии и головной боли? По утрам – тяжелая голова, вялость и настолько сильная физическая слабость, что вставать не хочется вовсе...**

Это состояние знакомо едва ли не каждому современному человеку. Предлагаемый материал по существу затрагивает проблему выживаемости человека, проблему сохранения его как биологического вида, проблему защиты нашего генофонда. Это проблема защиты от весьма коварного и при этом невидимого врага – электромагнитного излучения (ЭМИ). Источники электромагнитных излучений (ЭМИ) сопровождают нас повсюду. ЭМИ создают электрические приборы (лампы, утюги, плиты, нагреватели, холодильники, телефоны, связь, компьютеры, ксероксы, телевизоры и др.). Электротранспорт (трамваи, электрички, метро, автомобили, автобусы, самолеты, поезда, линии электропередач, радио и телевизионные станции, спутниковые антенны, различные установки промышленного, научного, медицинского назначения. Без них в наше время, конечно, не обойтись, но если бы только провода, ведь вокруг каждого электротранспорта, различных бытовых и промышленных и др. установок, электроприборов (нагревателей, утюгов, ламп, холодильника, телевизора, компьютера и им подобных вещей) свое энергетическое поле, своя аура с вполне определенным, реальным ЭМИ, в которую попадает и человек.

Вопреки официальным научным сообщениям рентгеновское излучение от вышеперечисленных элек-

троприборов и установок действительно есть, особенно от телевизора, компьютера, утюга, холодильника, нагревателя, плиты, электролампы и др. Эти лучи не заметны зрению, не имеют цвета и запаха, но проникают через одежду, постели, стены, бетон и железо. Поэтому мы, включая бытовые и другие электроприборы и установки, незаметно облучаемся электромагнитным полем. По утверждению ученых, это поле вполне можно отнести к факторам негативной энергии, поскольку оно резко снижает защитные функции организма и угнетает психику через центральную нервную систему.

Дело в том, что ЭМИ обладает так называемым информационным воздействием на биологические организмы. В связи с этим может быть нарушена работа нервной, эндокринной, иммунной и половой систем, мускулатуры и, в частности, сердечной мышцы. Если в вашей квартире или на работе включена электролампа, или холодильник, или нагреватель, или плита, или кипятильник, или радио, или телевизор, или компьютер и др., не стоит удивляться, что к вечеру у хозяев или служащих падает настроение, повышаются утомляемость, нервозность и другие недомогания.

Учеными уже установлено, что электромагнитное излучение наносит непоправимый вред организму. Первый удар приходится по центральной нервной системе: отсюда и возникают стрессы (неврозы), быстрая утомляемость, раздражительность, подавленность, бессонница, ухудшение памяти, головные и глазные боли, повышается артериальное давление и др. А со временем могут проявиться и отдаленные последствия облучения: хронические воспали-

тельные заболевания, гормональные заболевания, понижение иммунной (защитной) системы организма от разных болезней, малокровия, вегетососудистая дистония, кардионеврозы – частое проявление невротических состояний, стенокардия сердца и даже онкологические заболевания (рак). Особо опасны электромагнитные излучения (ЭМИ) для беременных и кормящих женщин, для младенцев, детей и пожилых людей, аллергиков и людей с пониженным иммунитетом и др. Беременным и кормящим женщинам, кстати, категорически запрещается смотреть телепередачи и работать с компьютером и микроволновой печью, поскольку очень велик риск патологических отклонений у потомства (детей) вследствие облучения ЭМИ. Но мы в наше цивилизованное время не сможем, к сожалению, отказаться от общения с новой техникой и бытовыми приборами и не сможем нигде укрываться от «электромагнитной грязи» – невидимого рентгеновского излучения.

В сложившихся условиях остается только один выход: найти надежную индивидуальную защиту, доступную каждому, удобную и безопасную.

По сообщениям прессы, в течение 15 лет ведутся работы по созданию такого устройства. В разработке и испытании принимают участие научные коллективы выдающихся физиков, биологов, медиков и др. в России и за рубежом. Новый создаваемый прибор должен по многим параметрам превосходить западные аналоги, иметь гораздо больший срок эксплуатации и доступную цену в отличие от многочисленных подделок, которыми сейчас буквально наводнен рынок.

**1. Прежде всего ни в коем случае не спите в той комнате, где находится телевизор, компьютер, холодильник, микроволновая печь, эл. нагреватель, эл. плиты и др.**

**2. Проследите, пожалуйста, хотя бы за тем, чтобы малыши и дети в комнате, где стоит телевизор, компьютер и др. эл. устройства, не находились и не играли**

**3. Не заклеивайте окна на зиму всевозможными полимерами (самый вредный из них – пеноплан). Именно он «успешнее» всего медленно, но верно разрушает нервную систему человека. Если ваша квартира несколько месяцев в году загерметизирована не хуже подводной лодки, чуждые человеческому жилью образования (ЭМИ, нечистый воздух, всякая пыль и заряженные частицы из воздуха оседают на лице, руках, вызывают аллергию, а иногда – различные кожные заболевания (крапивница, диатез, экзема, зудящая сыпь кожи, чесотка и др.), сухость кожи, раздражения.**

**4. Чтобы избежать всяких недомоганий, заболеваний (лучевых, аллергических, инфекционных), нужно почаще проветривать комнаты, используя форточки, окна, двери.**

**5. Чтобы меньше подвергаться ЭМИ и сбереечь остроту зрения, телезритель должен находиться на расстоянии 3-5 метров от телеэкрана. Далее следует соблюдать строго норму (в минутах, часах) просмотра телепередач (дети и взрослые) в сутки:**

**а) 3-4-летний ребенок должен смотреть телевизор 15 минут;**

**б) 5-6-летние ребята – 30 минут;**

**в) 7-13-летние дети – 60 минут;**

**г) 14-17-летние подростки – 1,5-2 часа;**

**д) взрослые люди – 2,5-3 часа.**

**Во время просмотра телевизора необходимо включать торшер или настольную лампу и для защиты от ЭМИ рекомендуется за-**

**лечь чай. Помните о том, что очень вреден для здоровья просмотр телевизора лежа на полу облокотясь о подушку, лежа на диване и т.д.**

**6. Рекомендуется резко ограничить долгий и многочасовой просмотр разных многосерийных видеофильмов, компьютерных игр. В противном случае ЭМИ, отрицательно воздействуя на мозг, психику и зрение человека, может, постепенно накапливаясь, спровоцировать неизлечимые психические, лучевые и онкологические заболевания, в конце концов, человек**

**может ослепнуть или впасть в судорожные припадки.**

**7. Чем больше времени ты проводишь за телевизором и компьютером, тем больше зарабатываешь проблем со здоровьем. Помните, что при работе за компьютером необходимо делать паузы. Скажем, 40-45 минут работаете, 10 минут отдыхаете. Во время паузы лучше всего покинуть рабочее место, походить по комнате или выйти на свежий воздух. Можно в это время заняться специальной гимнастикой, направленной на расслабление глазных мышц.**

**8. Не забудьте, что компьютеры также являются источниками электромагнитного излучения (ЭМИ). Оно бывает рентгеновское, ультрафиолетовое, видимое, инфракрасное и радиочастотное. Поэтому, помимо использования защитных экранов, следует стараться проводить перед компьютером строго ограниченное количество часов и сразу же по завершении работы выключить дисплей.**

**9. Экран компьютера должен находиться на оптимальном расстоянии 60-70 см, но не бли-**

**же 50 см от глаз. Уровень глаз должен находиться по центру или 2/3 высоты экрана. Освещение рабочего места не должно быть очень яркими, чтобы в поле зрения работающего человека не попадали оконные проемы или осветительные приборы. Целесообразно прикрыть лампу голубоватым фильтром для того, чтобы максимально приблизить ее яркость к яркости свечения экрана. Стены вокруг дисплея тоже лучше окрасить в голубой цвет или оклеить голубыми обоями.**

**10. Если человек сидит за компьютером долго, скрючившись и не отрываясь, часами смотрит на экран, не делая паузу, гимнастику для спины, глаз и т.д., он в скором времени обязательно заработает искривление и болезни позвоночника, шеи, близорукость и ухудшение зрения. Поэтому кресло должно быть максимально удобным и при этом оно должно позволять изменять позу для снижения напряжения в области шеи, спины и поясницы и предотвращения развития утомления. Оно должно быть подъемно-поворотным и регулироваться по высоте и углам наклона. Нарушение вышеперечисленных требований, как правило, приводит к ухудшению общего самочувствия, развитию зрительного утомления, слезоточивости, покраснению век и глазных яблок, сухости, зуду, рези, жжению или боли в глазах, а иногда и головной боли и др.**

**11. Сами создайте себе в квартире (комнате, кабинете) безопасную защитную среду от ЭМИ и других излучений, потому что сделать это действительно можете только вы сами сознательно, разумно ради своего сегодняшнего и будущего здоровья и здоровья своих детей, родителей, родственников, знакомых и друзей.**

Сафар МУХАММАДИЕВ,  
доцент.

## Полезные советы

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияларида сержантлик ва зобитлик лавозимларида тиббиёт йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассислар этишмаётганлиги боис, кўриктанлов асосида олий таълим муассасалари тиббиёт соҳасини **шифокор-психиатр, шифокор-кардиолог, шифокор-терапевт, шифокор-дерматолог, шифокор-рентгенолог, шифокор-стоматолог ҳамда фельдшер** йўналишлари бўйича тамомлаётган, Ўзбекистон Республикаси шаҳри ёки вилоятида доимий яшаш жойига эга, бўйи 170 см (аёллар 165 см)дан паст бўлмаган, 28 ёшгача бўлган, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги зобитлик унвонига эга номзодлар ҳисобидан жамланишини амалга ошириш мақсадида, 1 йил ўтаган хизмати имтиёзли ҳисобда 2 йил деб ҳисобланиши, ойлик маоши ўз вақтида тўланиши қафолатланган ҳолда ишга қирувчи номзодлар Тошкент шаҳри, Мирзо Улўбек тумани, Буюк Ипак йўли Интизор кўчасида жойлашган Тошкент вилояти ИИБ ШТБХга мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 264-81-47, 226-43-05  
(мўлжал: Центр Луначарский).

## Обуна – 2012



бўлишни истасангиз севимли газетангизга  
обуна бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.

Хурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда  
соғлиқни сақлаш –  
Здравоохранение  
Узбекистана» газетасига  
2012 йил учун обуна  
мавсуми давом этмоқда.  
Азиз тиббиёт ходимлари ва  
муштарийлар! Республика  
тиббиёт тизимида амалга  
оширилаётган ижобий  
ишлар, фаолиятлар ҳамда  
янгиликлардан хабардор

## Истеъдод

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР САҲНАДА



**Бугунги ёш авлоднинг истеъдоди, дунёқарashi, қолаверса интеллектуал салоҳияти мустақил юртимизнинг келажига порлоқ эканлигидан далолатдир. Зеро, Президентимизнинг ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти ва саломатлигига қаратаётган эътиборлари боис, ҳар бир соҳа йўналишида уларнинг изланиш, иқтидорлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ана шундай истеъдод бобида ёшларни ўз бағрига олган В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицейда таҳсил олаётган фарзандларимизнинг санъат йўлидаги иқтидорларини янада намоён қилиш учун ҳар йили анъанага айланган турли мавзулардаги кўрик-танловларнинг ўтказиб келинаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир.**

2012 йил 7 апрель куни В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицейда Мустаҳкам оила йили ва Амир Темур таваллудининг 676 йиллигига бағишланган "Буюк соҳибқирон авлодлари" мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Тадбирнинг асосий мақсади ўқувчиларни халқимизнинг асрлар давомида мустақиллик, марказлашган миллий давлат барпо этиш учун олиб борилган курашни тарихий шахслар, яъни Амир Темур ва авлодининг қаҳрамонона жасоратлари орқали ёритиб бериш, шунингдек, кўҳна тарихни бугунги кун билан боғлаш, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, Ватанга, мустаҳкам оилага, ўз касбига муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат бўлди.

Кўрик-танловни В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицей директори Дилдора Жамолова кириш сўзи билан очиб, таълим даргоҳида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг билимга бўлган ташналиги, айниқса, санъатдаги истеъдод-



лари, уларнинг келажакда таниқли, эл севган санъаткор бўлиб етишишларига катта ишонч билдириб, бунинг баробарида мазкур лицейни тугатиб кетган собиқ ўқувчилар жаҳон саҳналарида ўз санъатларини намоён этишга қўлларини ҳамда фахрли ўринларини эгаллаганликларини эътироф этди. Танлов иштирокчилари куйидаги шартлар, яъни "Мангу жасорат", "Зук-

колар баҳси", "Касбим – фахрим", "Эркин мавзу", "Спортни севиш – кучли бўлиш" мавзуларида ўзаро беллашдилар.

Айниқса, "Мангу жасорат" шarti бўйича 7 нафар иштирокчи тарихий хотира ёшларнинг кўз ўнгидан намоён бўлиши учун буюк саркардалар – давлат арбобларининг образларини маромига етказиб ижро этиб бердилар.



**Отабек ЁРКУЛОВ,**  
ўзбек халқ  
чолғулари бўлими  
3-курс ўқувчиси:

– Аввало, буюк саркарда Амир Темур образини ижро этганимдан мамнун бўлдим. Саҳнада ўзимни жасур бобокалонимиздек, мард, адолатли, ватанпарвар инсон сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилдим. Шунингдек, кийган либосларим тарихий шахс босиб ўтган йўллари, эришган ғалабалари ҳамда ўғитларини ифода этишимда менга янада илҳом бағишлади.



**Темур АМИРОВ,**  
фортепьяно бўлими  
2-курс ўқувчиси:

– Менга Амир Темурдек жасоратли саркарда номини қўйишгандан доимо фахрланиб юрман. Менга унинг авлоди Жаҳонгир Мирзонинг образини талқин этиш насиб этди. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ижро этиш жараёнида тарихий шахсининг ибратли фазилатлари мени янада руҳлантирди. Айниқса, Темурийлар авлодининг тарихий фаолиятлари менда катта таассурот уйғотди.



**Бобур МУЛЛАЖОНОВ,**  
анъанавий  
хонандалик бўлими  
3-курс ўқувчиси:

– Темурийлар авлодининг вақилларидан бири бўлмиш Шохрух Мирзо ўзининг қаттиқ бўлган хурматимизни янада оширди. Катта саҳнада буюк аллома Мирзо Улуғбек бобомиз образини ижро этиш давомида унинг астрономия фанидаги эришган ютуқларини ва шайриятни ҳам ниҳоятда қадрлаган. Мен ушбу образни саҳнада талқин этганлигимдан ва шайрий байтларни ижро қилганимдан бахтиёрман.



**Артём ЕНУШЕВСКИЙ,**  
баян бўлими  
2-курс ўқувчиси:

– Тарихий шахслар ҳаёти ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиш уларнинг хотирасига бўлган хурматимизни янада оширди. Катта саҳнада буюк аллома Мирзо Улуғбек бобомиз образини ижро этиш давомида унинг астрономия фанидаги эришган ютуқларини ва шайриятни ҳам ниҳоятда қадрлаган. Мен ушбу образни саҳнада талқин этганлигимдан ва шайрий байтларни ижро қилганимдан бахтиёрман.



**Шухрат ОЛИМЖОНОВ,**  
хор-дирижёрлик бўлими  
3-курс ўқувчиси:

– Хусайн Бойқародек ҳукмдор образини ижро этиш менга насиб этганидан фахрландим. Айниқса, шеърят мулкнинг султони, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг энг яқин дўсти бўлган Хусайн Бойқаронинг ҳаёт йўлини ифода этар эканман, бу ерда икки дўстининг адабиёт ва санъатга бўлган ўзгача меҳри биз ёшлар учун катта мактаб вазифини ўташи шубҳасиздир.



**Азиз ЮСУПБОВЕВ,**  
зарбли чолғулар бўлими  
3-курс ўқувчиси:

– Захириддин Муҳаммад Бобурдек ватандошимиз бўлганидан ҳар қанча гурунлансак арзийди. Чунки у тақдир тақозоси билан ўзга юртда ҳукмдор бўлсада, она ватанига содиқ қолиш билан бирга, соғинч ва юрт мадҳини ўз ижодида ифода этди. Ана шундай ажойиб қалб эгасининг ҳар бир фазилати қалбимни янада руҳлантирди.



**Хусан ҚОДИРОВ,**  
зарбли чолғулар бўлими 3-курс ўқувчиси:

– Шох Жаҳон образини ижро этар эканман, Темурийлар авлоди тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлганим ўтмиш тарихимизнинг нақадар бой эканлигига яна бир бор амин бўлдим. У ёш бўлсада барча муаммоларни яхшилик билан ҳал этиши, шунингдек, халқпарварлиги билан тарихда қолган. Бу албатта, биз ёшлар учун ибрат бўлади.

Танлов иштирокчилари зукколар баҳси, касбим – фахрим, эркин мавзу, спортни севиш – кучли бўлиш каби шартларда ўз билим ва истеъдод бобидаги маҳоратларини шу қадар намоён этдиларки, бу албатта уларга Оллоҳ томонидан берилган иқтидор эканлигига тадбир иштирокчилари, ҳатто таниқли хонандаю, шоира ва шифокорлар, қолаверса

уларнинг ота-оналари ҳам тан бердилар. Истеъдодли ёшларнинг танлов бўйича чиқишларини кузатиб борган ҳайъат аъзолари учун уларни баҳолаш осон кечмади. Чунки иштирокчилардаги маҳорат, касбга бўлган қизиқиш иқтидор эгаларини бир-биридан қолишмаслигини кўрсатди. Яқуний натижаларга кўра энг фахрли ўрин анъанавий хонандалик бўлими 3-курс

ўқувчиси Бобур Муллажоновга насиб этган бўлса, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга қолган иштирокчилар муносиб деб топилдилар. Тадбирда эл ардоғидаги хонанда Муножат Йўлчиева, шоира Умида Абдуазимова ва ота-оналар сўзга чиқиб, аввало фарзандларимиз учун кенг имкониятлар яратиш бераётган Юртбошимиз Ислам Каримовга ҳамда мазкур лицей жамоасига

самимий тилаклар билдиришди. Шу ўринда айтиш жоизки, яхши анъанага айланган ушбу кўрик-танловнинг кўтаринки кайфиятида ўтказилишида ва истеъдодли ёшларни юзага чиқаришда фаол иштирок этган таълим даргоҳи ўқитувчиларидан М. Шоқамбарова, И. Железняк, М. Расулова, Н. Ҳамрокулова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шунингдек, ҳар бир

кўрик-танловни қўллаб-қувватлашда "Фонд Форум", "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетаси ҳамда республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

**Ибодат СОАТОВА,**  
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ**  
олган суратлар.

Газета  
муассиси:  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

**Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ**  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел./факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 9849 нусха.  
Буюртма Г-445.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.  
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.